*• Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида*

# Планни ўзимиз белгилайлик

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини бригадамизда, заводда муҳокама қилдик. Ишчилар бу Қонун меҳнаткашларга ўз корхонасининг ҳақиқий хўжайини эканлигини чуқур ҳис этиш имконини беради, вазифалар ижросига масъулиятни янада оширади, ҳуқуқларни кенгайтиради, деб таъкидладилар.

Бизнинг комплекс бригадамиз ишчилари ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга одатланишган. Ўтган йили планни қарийб 140 процентга етказиб ўринлатгандик. Яъни 128 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Асосий эътибор тежамкорликка қаратилди. Мени депутат сифатида тежамкорликка масъул этишган. Кўпчиликнинг ҳамжиҳатлиги туфайли 6 тонна металл, 500 киловатт соат электр энергияси, 600 килограмм электрод иқтисод қилинди. Шу ҳисобга йилнинг охирида қўшимча равишда 4 кун ишлаб бердик. Янги йилнинг ўтган икки ойида ҳам барча тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди, планлар зиёдаси билан уддаланди.

Бригадамиз ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик планини Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги кунигача адо этиш ташаббуси билан чиқди. Шаҳар Совети ижроия комитети буни маъқуллади. Ҳозир ўнлаб бригадалар ана шундай қутлуғ ният билан меҳнат қилишмоқда.

Бу ишчилар доим олдинга интилишлари, планларини ошириб бажариш учун курашажакларидан дарак беради, албатта. Шунинг учун планлаштириш жараёнларида уларнинг кенг иштирокларини таъминламоқ зарур. Дарҳақиқат, корхона келажаги ҳақида қайғурмасдан туриб, қандай қилиб унинг хўжайини бўлиш мумкин? Ваҳолонки, планлар асосан юқоридан келади.

Биз муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасида **«Корхона планларини белгилашда ишчиларнинг кенг иштироки таъминланиши зарур, планлар реал, аниқ бўлишида улар ҳам масъулдирлар»** деган жумлалар бўлишини истардик. Ўшанда ҳар бир киши ўзи овоз берган, ўзи белгилаган план бажарилиши учун жон койитган бўларди. Қолаверса, хўжалик ҳисоби мустаҳкам жорий этилиши кўп жиҳатдан ана шунга ҳам боғлиқдир.

Менимча, бунинг яна бир йўли бор. Ҳозир қатор корхоналарда жуда кўп соҳалар бўйича депутат группалари мавжуд. Агар планлаштириш тўғри бўлишини назорат қиладиган ана шундай группалар қонунлаштирилса нур устига аъло нур бўларди. Халқнинг мухтор вакиллари ҳамкасблари, барча ишчилар номидан иш кўраверардилар. Айни пайтда планлаштиришда чекиниш бўлмаслиги учун ҳам жавоб беришарди.

**З. РАУПОВ,**
**Самарқанд «Хлопкомаш» заводи комплекс бригадаси бошлиғи, шаҳар Советининг депутати.**

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиши биланоқ жойларда қизғин баҳслар бошланиб кетди. Ушбу ҳужжат социалистик ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг демократик асосларини қайта қуриш орқали уни янада такомиллаштиришни кўзда тутади, демократик централизм ва ўз-ўзини бошқариш принципларини кенг кўламда ва ҳар томонлама ривожлантиради. Лойиҳа муҳокамаси қизғинлигининг бош сабаби ҳам шунда деб ўйлайман.

Қонун лойиҳаси кўпчилик бандларини тўла маъқуллаш билан бирга айрим фикрларимни баён этмоқчиман.

Маълумки, муҳокамага қўйилган Қонун лойиҳаси корхоналар (бирлашмалар)нинг ҳуқуқий ҳолати давр талабига мос келишига эришилган. Қонун уларнинг ўзаро, бошқа давлат ҳокимияти ёки давлат ижроия органлари билан, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига (СЭВ) аъзо бўлган мамлакатларнинг корхона, ташкилотлари, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг фирмалари билан бўладиган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларини тартибга солади. Шундай экан Қонун лойиҳасининг кириш қисмидаги иккинчи жумлани қуйидагича таҳрирда беришни таклиф этаман:

«Қонун яхлит бир бутун бўлмиш халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда марказлаштирилган асосларни чуқурлаштиради, бошқариш иқтисодий методлари кучайтирилишини, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашдан кенг кўламда фойдаланилишини, демократик асослар кенгайтирилишини ва ўзини-ўзи бошқариш ривожлантирилишини кўзда тутади, корхоналар (бирлашмалар) билан давлат ҳокимияти ва бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларни **ҳамда қонун йўл қўйган доирада социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг корхоналари, ташкилотлари, фирмалари билан бўладиган муносабатларни белгилаб беради».**

## САЙЛАНИШ ВА ҲИСОБ БЕРИШ

Лойиҳанинг 6-моддаси, 2, 3-бандларида корхоналар (бирлашмалар), уларнинг структуравий бирликлари, чунончи, ишлаб чиқариш цехлари, бўлинмалари, ферма ва звенолари раҳбарлари, мастерлари ва бригадирларини меҳнат коллективлари томонидан муайян муддатларга (беш йил — корхона, бирлашманинг структура бирлиги раҳбарлари учун, икки-уч йил — қолган структуравий бирлик раҳбарлари учун) сайланишлари айтилган.

Назаримда, ана шу қоидани янада чуқурлаштириш ва айни пайтда унга бирор аниқлик киритиш керак. Қандай қилиб?

Маълумки, социалистик сайлов системаси демократияси ҳокимият ва ижроия органларини, раҳбар шахсларни халқ томонидан сайлаб қўйиш билан чекланмайди, балки ана шу сайлаб қўйилган органлар ва раҳбарлар вақти-вақти билан ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб туришларини тақозо этади. Қолаверса улар ўзларига топширилган ваколатни лозим даражада бажармаганларида уларни сайловчилар томонидан муддатидан олдин чақириб олинишлари ҳам белгиланган.

Шунга кўра юқорида кўрсатиб ўтилган, яъни **корхона (бирлашма) раҳбарларини сайлаш қоидаларида уларнинг меҳнат коллективлари олдида ўз фаолиятлари бўйича ҳисоб беришларининг аниқ муддати белгиланиши, ишончни оқламаганларида эса муддатидан олдин сайловчилар — меҳнат коллективлари томонидан чақириб олинишлари конкрет кўрсатилиш** масаласи муҳокамага лойиқ эмасмикан? Қолаверса бу совет сайлов системаси принципларидан ҳам келиб чиқади.

**И. МАРДОНОВ,**
**Бухоро давлат педагогика институти совет давлати ва ҳуқуқи кафедрасининг мудири, юридик фанлар кандидати.**

## ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР

**✦ Қўқонда шаҳар умумий овқатланиш трестига қарашли ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фабрика иш бошлади. Бу билан шаҳарнинг турли чеккаларида жойлашган, қўл меҳнатига асосланган майда кондитер цехларига эҳтиёж қолмади.**

Барча замонавий қулайликларга эга бўлган фабриканинг ягона диспетчерлик пункти ошхоналар, буфетларни қайд этиб туради. Шаҳардаги ошхоналар ва кулинария магазинларида фабрикада тайёрланган гўшт маҳсулотлари, балиқ ва бошқа ярим тайёр парҳез маҳсулотлари, тозаланган сабзавотлар пайдо бўлди.

Бу ерда 130 киши ишламоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган. Ишловчилар учун овқатланиш, дам олиш хонаси, машина ва механизмларни созлаш устахонаси ҳам бор.

**З. РАҲИМОВА.**

*• Демократия мактаби*

# ТЎРТИНЧИ ДИРЕКТОР

### ЁКИ РАҲБАР САЙЛОВИНИ ТЎҒРИ ЎТКАЗИШГА НИМАЛАР ХАЛАЛ БЕРДИ?

Область газеталари бирлашган нашриёти ва босмахонасига тайинланган директорлардан учинчиси қисқа вақт ичида ишдан кетганидан кейин область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасида тўртинчи директорни тайинлаш йўли билан эмас, балки сайлов йўли билан ўтказишга қарор қилишди.

Учта номзодни таклиф этишди. Илгари ишлаб чиқариш бўлимига бош бўлган, ҳозир эса директор вазифасини бажараётган С. Муродов ёпиқ овоз бериш вақтида 27 та, Ленин йўли райони босмахонаси директори Х. Картиллаев 19 та, Қумқўрғон район босмахонаси директори Ч. Холматов 1 та овоз олди.

Кўпчилик бу натижани кутмаган эди. Бунинг боиси бор.

Уч номзоднинг бири Х. Картиллаев анча пухта ўйланган, конкрет программани ўртага қўйди. Ўрта махсус таълим олган бу матбаачи аввал печатник ва метранпаж бўлиб ишлаган, бухгалтерия ишини билади, тўрт йиллик директорлик тажрибаси бор. Шу боисдан ҳам босмахона иши билан қисқа муддат ичида танишиб чиққанидан кейин корхонанинг асосий «қалтис жойларини» топа билди. Бу камчилик ва нуқсонлар — ускуналарнинг эскириб қолганлигида, кўпгина ишчилар ўртасида интизомнинг бўшашиб кетганлигида, коллективнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ва турмушдаги шароитларига етарли эътибор берилмаётганлигида яққол кўзга ташланар эди. Ана шу масалаларнинг ҳар бири ҳақида Картиллаев амалий, конкрет таклифлар айтди. Директорликка номзод ўз программасини қатъият билан бажаришга шайлиги аён кўриниб турар эди, бу программа овоз бериш натижаларига кўра ҳам кўпчиликка маъқул тушган кўринди.

Хўш, шундай экан, нега у кўпчилик овозга эга бўлмади?

Сайловлар натижаси илгаридан ҳал қилиб қўйилганга ўхшайди. Йиғилиш бўлишидан бир ҳафта илгари номзодлар рўйхати илиб қўйилди, бу рўйхатга анкета маълумотлар ҳам илова қилинган эди. Номзодлардан бири, яъни директор вазифасини вақтинча ижро этаётган мутахассисни ҳамма яхши биларди, бошқа икки номзод билан танишишга эса жуда кам вақт ажратилган эди. Ч. Холматов босмахонада бор-йўғи бир кун бўлди холос. Бир кунда нима ҳам қилиб бўларди дейсиз? Унинг номзоди ҳам рўйхатга сон учун, «кенг демократия» қабилида иш тутиляпти, деб кўрсатиш учун киритилди. Бунинг устига область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасида, мабодо бу киши сайланган тақдирда ҳам, оилавий шароитига кўра Термизга кўчиб келолмаслигини билишар эди. Ч. Холматовнинг ўзи ҳам номзодлар муҳокама қилинаётганида одамларга ана шу бор гапни айтиб номзоди овозга қўйилмаслигини илтимос қилди. Шу сабабли унга битта овоз берилгани бежиз бўлмаса керак.

Иккинчи номзодга ҳам коллектив билан танишиш учун кўп вақт берилгани йўқ. Х. Картиллаевнинг ўзи кўп нарсани илғаб олган бўлса ҳам, одамлар уни таниб билиб олишга улгурганлари йўқ. Фақат йиғилиш чоғидагина унинг саволларга берган конкрет амалий жавобларини эшитиб, рўпараларида истиқболли, замонавий муҳокама юритадиган раҳбар турганлигини сезиб олишди. Аммо, ҳар қалай, кўпчилик кимни яхши билишса ўша номзод учун овоз берди.

Шундай қилиб янги, тўртинчи директор тайинланмасдан балки сайлангандай кўринди. Х. Картиллаев район босмахонасидан область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасига бош бухгалтер қилиб ўтказилди. Бу лавозимда у янги директорга ўзининг «программ нутқида» айтганларини рўёбга чиқаришда ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Биз янги сайланган директор нашриёт ва босмахонага ёмон раҳбарлик қилади, деб айтмоқчи эмасмиз. Аксинча, бу ердагилар унга бу ишда муваффақият тилашади, қўллаб-қувватлашади ва ёрдам беришади; холисона айтадиган бўлсак у дуруст мутахассис.

Аммо айтмоқчи бўлган бир гапимиз бор.

Ҳозир кўпчилик коллективларда раҳбарлар сайлови бўлмоқда. Коллективлар кўпроқ фойда келтириши мумкин бўлган номзодлар бўлгани ҳолда ўзлари дурустроқ биладиган номзодларни афзал кўрадилар. Омма сайловга онгли равишда бориши лозим, деб айтмоқчимиз. Номзодларнинг чинакамига мусобақа қилиши учун, сайловда қатнашувчи ҳамма кишилар улар билан чуқур танишиши учун, одамлар ҳақиқатан ҳам ўз хоҳиш-иродаларини чинакамига намойиш этишлари учун шароит яратилиши керак.

Бунга қандай қилиб эришса бўлади? Буни биргаликда ўйлаш керак. Чунки қайта қуришнинг вазифаларидан бири — демократияни ўрганишдир.

**Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ,**
**ЎзТАГ мухбири.**
**Термиз.**

## ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

**✦ Қардошлар бошига иш тушганида дўстона ёрдам кўрсатиш совет кишиларига хос олижаноб фазилатдир. Яқинда Грузия ССРда табиий офат юз берган куннинг эртасиёқ бу ватанпарварлик яна намоён бўлди.**

Қўрғонтепа ип-йигирув ва тўқув бирлашмаси ишчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тўқув цехи тайёрлов участкасининг илғор бригадаси бошлиғи Ч. Худойбердиев грузияликларга ёрдам фондига бир кунлик иш ҳақини ўтказишни таклиф қилди. Бу ташаббус корхона коллективи томонидан қизғин маъқулланди. Корхонанинг барча ишчилари бир кунлик иш ҳақларини табиий офат оқибатларини тугатиш фондига ўтказишга қарор қилдилар.

**С. БУРКАШЕВ.**

# ДУНЁ ОВОЗИ

• Хабарлар • воқеалар • фактлар

## СССР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёноти

Кейинги вақтларда АҚШ маъмуриятининг вакиллари Афғонистондаги ва унинг теварагидаги аҳвол хусусида баёнотлар беришди. Гап жумладан, президент Рейганнинг махсус прокламацияси тўғрисида бормоқда. Унда март ойининг кунларидан бири «Афғонистон куни» деб эълон қилинган.

Шу муносабат билан қуйидагиларни айтиш мумкин. Вашингтонда айтилаётган гап-сўзлар АҚШ раҳбарларининг ўз тарихида машаққатли, бурилиш босқичини бошидан кечираётган афғон халқи тақдирига ёндашуви ахлоққа зид эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Фактлар ва воқеаларни жўртта бузиб кўрсатиш, ғаламисликдан иборат сафсатабозлик ва масъулиятсизлик Вашингтондагиларнинг гап-сўзларига хос хусусиятлардир.

Афғонистондаги аҳволни сиёсий йўл билангина ҳал қилиш мумкинлиги бутун дунёга равшандир. Ишни ҳарбий йўлга тортаётган бирдан-бир мамлакат АҚШдир. Аслини олганда, Афғонистондаги уруш Американинг уруши. Қўшма Штатлар ҳукуматга қарши кучларга молиявий ёрдамни кўпайтирмоқда. Қурол-яроғлар оқими миқдор жиҳатдангина кенгайтирилиб қолмай, шу билан бирга аксилинқилобчиларнинг қўлига тобора мукаммал қурол турлари, жумладан «Стингер» типидаги зенит ракеталари бериб қўйилмоқда. Душман тўдаларга ана шундай ракеталар етказиб берилиши халқаро терроризмни яна хатарли равишда авж олдириб юбориши мумкин.

Қўшма Штатлар Афғонистондаги биродаркушлик урушини чексиз чўзиб юборишни жуда истамоқда. Женевада олиб борилаётган Афғонистон-Покистон музокараларида шартномага эришиш реал имкониятлари пайдо бўлаётган бир шароитда шундай қилинмоқда. Музокараларнинг кейинги даврасида муайян силжишга эришилди.

Шартномага эришиш истиқболлари, Афғонистонда миллий яраш сиёсатининг муваффақиятлари АҚШ маъмуриятининг режаларига тўғри келмаётган кўринади. Шу боисдан ҳам Вашингтондагилар аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этишни тўхтатиб қўйиш, уни барбод этиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар.

Кейинги вақтларда Америка томони билан бўлган мулоқотлар чоғида унинг вакиллари аҳволни тинч йўл билан бартараф этишдан манфаатдор эканликлари тўғрисида гапирдилар. Модомики, афғон халқига нисбатан ҳайрихоҳмиз деб ишонтириб айтаётган гаплар самимий экан, у ҳолда шу гапларни амалда рўёбга чиқаришга нима халақит қиляпти? Афғонистонда ҳарбий можарони авж олдиришдан воз кечиш давримизнинг объектив реалликлари ва талабларини эътироф этиш бўлур эди. Мана шундай бирдан-бир тўғри қарор учун Вашингтондагиларда ақл-фаросат ва сиёсий дадиллик етарли бўлармикан? Қандай бўлмасин у ердагилар қон тўкилиши давом этаётганлиги учун жавобгарлик Америка сиёсати зиммасига тушишини билишлари керак.

## АФҒОНИСТОНДА ЯРАШНИНГ БОРИШИ

КОБУЛ, 24 март. (ТАСС). Тобора кўплаб қуролланган гуруҳлар халқ ҳокимияти томонига ўтиб, миллий яраш жараёнига қўшилмоқда. Яқинда ана шундай отрядлардан бири Фарёб вилоятида ихтиёрий равишда таслим бўлди. Ҳукумат томонига ўтган афғонларга миллий яраш маҳаллий фавқулодда комиссиясининг вакиллари зарур моддий ёрдам бердилар.

Душман пропагандасининг таъсири остида ва айрим вазият оқибатида илгари чет элларга кетиб қолган АДР граждашлари Ватанига қайтиб келмоқдалар. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, маҳаллий аҳолидан 65 киши яқинда Покистондан Кобул вилоятидаги Бағрами уездига қайтиб келди.

Янги афғон йили бошланиши муносабати билан Пуштун қабилаларининг Кобулга юбораётган мактублари миллий яраш жараёнини АДР билан чегарадош бўлган районларнинг аҳолиси астойдил қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради. Эркин қабилалар, деб таъкидланади ҳужжатларда, қадимий афғон диёрида қон тўкилишини тезроқ тўхтатишга ҳамда тинчлик ва осойишталикни тиклашга қаратилган йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Улар Покистон территориясига бориб қолган АДР аҳолисининг ўз она юртларига тезроқ қайтиб келишларини ҳам ёқлаб чиқмоқдалар.

Шу кунларда бутун мамлакатда давлат корхоналари ва муассасалари меҳнат коллективларининг митинг ҳамда йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Шу митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари собиқ қочоқларга ёрдам фондига пул ажратмоқдалар.

## Тэтчернинг СССРга қиладиган визити ҳақида лейбористлар раҳбарининг айтганлари

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчернинг СССРга қиладиган визити иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш сари, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун кураш ишидаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш сари ҳал қилувчи силжишга эришишнинг ноёб имкониятини беради. Англиянинг асосий оппозициячи партияси раҳбари Нил Киннок «Гардиан» газетасида шундай деб ёзади.

Шу пайтга қадар Совет Иттифоқи консерваторлар ҳукумати учун «совуқ уруш» замонлари руҳидаги жазавали сафсатабозлик объектигина бўлиб келди, деб таъкидлайди у. Бу галги визит, гап икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ҳақида борадими, ёки ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш ишидаги ҳамкорлик тўғрисида борадими, барибир Бош министрдан чуқурроқ ёндашишни талаб қилади.

Ядро қуролларини қисқартириш жараёнида силжишга эришиш проблемаси Москвадаги музокаралар кун тартибининг энг муҳим масаласи бўлиши лозимлиги шубҳасиз, деди сўнгра лейбористлар раҳбари. Рейкьявикдаги Совет — Америка учрашуви бу масалада ҳамжиҳатликка эришиш йўлидаги жиддий қадам бўлганлигига шак-шубҳа йўқ. Эндиликда Британия ҳукумати шу жараённи ривожлантириш йўлларини сабот билан излаши керак, деб таъкидлайди Киннок. Унинг фикрича, Англия аввало ўзининг мустақил деб аталган ядровий тийиб туриш кучларини кўпайтиришдан воз кечиши лозим, биринчи бўлиб зарба урадиган энг янги «Трайдент» ракета-ядро системаларини харид қилиш йўлида ҳукумат тузиб қўйган режа амалга оширилиши натижасида бу кучларнинг кўпайиб кетиши муқаррар. Лейбористлар раҳбарининг фикрича, Англия Американинг «самовий урушлар» программасини амалга оширишда ҳақиқатда қатнашишдан воз кечиши, СССРнинг ядро портлатишларини тақиқлаш йўлидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаши, СССРнинг Европадаги ўртача олислик ракеталарини тугатиш, шунингдек, СССР билан АҚШ стратегик ядро қуролларини беш йил муддат ичида 50 процент қисқартириш программаси тўғрисидаги ташаббусларини очиқ-ойдин маъқуллаши ҳам тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Совет Иттифоқи Европадаги ўртача олислик ракеталари масаласини Женева музокараларидаги проблемалар умумий мажмуасидан алоҳида ҳал қилишни таклиф этиш орқали ядровий қуролсизланиш ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга интилиш йўлидаги узоқ тарихда янги умидбахш боб очди ва шу тариқа ўзининг амалий музокара олиб боришга тайёрлигини очиқ равишда билдирди, деб ёзади Киннок.

Британия ҳукуматининг бошлиғи олдида ҳозир икки йўлдан бирини танлаб олиш вазифаси равшан бўлиб турибди: у ё «совуқ уруш» сафсатабозлигини давом эттириш йўлини сақлаб қолади, ёки халқаро хавфсизликни мустаҳкамлайдиган ҳамда Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам иқтисодий тараққиётига кўмаклаша оладиган тарихий битимларга эришиш зарурлиги ғоясини ўтказувчи шахс ролини ўйнайди, деб таъкидлайди пировардида лейбористларнинг раҳбари.

(ТАСС).



*• Социализм мамлакатларида*

## БХР: зарбдор вахтада

**СОФИЯ. Георгий Димитров номли вагонсозлик заводи цехларида зарбдор суръат бир зумга сўсаймайди. Ишчилар буюртмаларни муддатидан илгари тайёрлаш учун имкониятларини сафарбар этишяпти.**

**Тўққизинчи беш йилликда корхона коллективи олдига масъулиятли вазифалар қўйилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 60 процентга оширилади. Технология жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, саноат роботларини кенг қўлланиш ҳисобига бу кўрсаткичга эришилади. Заводда ўндан зиёд турдаги мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга электровозлар ремонти ҳам амалга оширилади.**

**Болгария, Венгрия ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг пўлат изларида корхонада тайёрланган вагонлар қатнамоқда. Улар ёрдамида халқ хўжалик юкларини қисқа фурсат мобайнида ташиш имкони юзага келаётир.**

**СУРАТДА: электровозлар ремонти цехида.**

**БТА—ТАСС фотоси.**

## ГОРБАНИФАР ВА БЕЙКЕР «ЭРОНГЕЙТ» ҲАҚИДА

ВАШИНГТОН. Америка қуролини Эронга етказиб бериш билан шуғулланган асосий эронлик воситачи бўлган эроний бойвачча Манучеҳр Горбанифар АҚШ конгрессида шоҳидлик бермоқчи эканини маълум қилди. 5 май куни вакиллар палатаси билан сенатнинг махсус комиссиялари «Эронгейт» юзасидан биргаликда муҳокама бошлайдилар. Горбанифар «Вашингтон таймс» газетасининг мухбири билан суҳбатда, жумладан, бундай деди: «Энди ҳамма гапни айтадиган пайт келди. Конгрессингизнинг терговчилари мендан кўп гапни эшитадилар. Улар шу мушкулотга олиб келган воқеалар кунбакун қандай ривожланиб борганини билиб оладилар. Ким ёлғон гапираётганидан ва пуллар (Эронга қурол сотиш йўли билан олинган пуллар. — ТАСС изоҳи) қаёққа кетганидан хабардор бўладилар.

Америка раҳбарлари Эронга қурол сотишдан олинган маблағлар нималарга сарфланганидан хабаримиз йўқ, деб онт ичаётганликлари маълум. Горбанифар ошкора истеҳзо билан Франкфуртдаги (ГФР) МРБ ходимлари иштирокида подполковник Оливер Норт билан бўлган учрашувлардан бирида ТОУ ракеталаридан 1000 таси етказиб берилганлиги учун 10 миллион доллар пул ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг бир нусхасини шахсан ўзим топширганман, деди. Эртаси куни менга 3,5 миллион доллар олинганини маълум қилдилар, деди у. «Шундан кейин ҳам улар қолган пул нима бўлгани бизга маълум эмас, деб даъво қилмоқдалар», — деди Горбанифар. Унинг айтишича, Норт билан 50 мартадан кўпроқ учрашган. Горбанифар конгресснинг комиссиялари саволларига жавоб қайтаришдан бош тортиб келган Нортнинг узоқ давом этган «сукунат машмашаси»га тўхталиб, у «фақат президент»ни ҳимоя қилди, деб айтди.

Шу билан бирга Оқ уй ходимлари аппаратининг янги раҳбари Говард Бейкер Эн-би-си телекомпанияси орқали ўтказган суҳбатда Эрон-контрас можаросида Оқ уй учун энг ёмон ҳолат орқада қолди, деб даъво қилди, аммо ҳали президент Рейган яна баъзи кўнгилсизликларга дуч келиши мумкин, деб қўшиб қўйди. «Эронгейт»да қатнашган асосий шахслар бўлмиш Норт билан Пойндекстер, ниҳоят, гапира бошлаган тақдирда (башарти улар конгрессда ошкора товба-тазарру қилсалар, суд йўли билан жавобгарликка тортилишда уларга «чекланган иммунитет» ваъда қилингани илгари хабар берилган эди. — ТАСС изоҳи), «ҳеч қандай фалокат содир бўлмайди» ва шу муносабат билан президент «уларнинг шоҳидликларидан чўчимаса ҳам бўлади», деди Бейкер.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АММОНДА

АММОН, 25 март. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Иордания парламентининг таклифига биноан расмий визит билан бу ерга келди. Делегация составида Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг аъзоси, Молдавия касаба союзлари республика Советининг раиси Г. И. Еремей, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси, ТАСС Бош директори С. А. Лосев, Миллатлар Совети План-бюджет комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригадир-механизатори А. Шарипов бор.

Аэродромда совет делегациясини Миллат мажлиси депутатлар палатаси раисининг биринчи ўринбосари И. Хижозий, депутатлар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг раиси Р. ал-Батайна ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

## ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ҚИЛИШГА УРИНИШ ТАФСИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ФРИТАУН, 24 март. ТАСС мухбири Александр Юрин хабар қилади: Съерра-Леоне пойтахтида вазият барқарорлашди. Ҳукумат Ғарбий Африкадаги шу мамлакатда аҳволни тўла назорат қилиб турибди. Кеча бу ерда ҳукуматга қарши фитна фош этилган эди.

Съерра-Леоне радиосининг кечқурунги янгиликларида хабар қилинишича, 22 мартдан 23 мартга ўтар кечаси махсус хавфсизлик хизматининг бўлинмаси контрразведка олган маълумотларга асосланиб, Фритаун марказидаги хусусий уйларнинг бирида фитначилардан 16 кишини қамоққа олди. Ўртада чиққан отишма чоғида бир киши ҳалок бўлган.

Парламент аъзолари баёнот бериб, унда Съерра-Леоненинг қонуний ҳукуматига қарши қўпорувчилик фаолиятини қораладилар.

ЛОНДОН, 24 март. (ТАСС). Рейтер агентлиги Фритаундаги манбаларга асосланиб хабар қилишича, Съерра-Леоне пойтахти полициясининг бошлиқларидан бири, илгари хавфсизлик хизматида ишлаган Жозеф Каикаи фитначиларга бошчилик қилган. Исёнчилар мамлакат президенти Жозеф Момонинг автомобилига бошқариладиган танк урар снарядлар билан ҳужум қилиб, уни ўлдиришни режалаштирганлар Каикаи билан унинг шериклари қамоққа олинди.

